

PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF THE METHODS OF NON-ISLAMIC GROUPS AND SECTS USED TO INVOLVE INDEPENDENT PERSONS

Собиров Ўтқир Турсунбай Ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Бош мутахассиси

Саламов Жаҳонгир Таштемирович

Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Зиёрат туризми” сектор мудири

Россия ислом институти магистранти

ANNOTATION

The article provides information on how radical groups work with people with a tendency to bigotry to protect the population, including young people, from false propaganda based on heresy, methods of psychological change of public opinion by fanatical groups, various methods of spreading false, alien ideas.

Keywords: Method, observation method, experimental method, survey method, document study method, recruitment, schizophrenia, paranoia, aggression, occultism, mysticism, external factor, internal factor.

Баъзи бир ғарб тадқиқотчиларининг фикрича, мутаассибликка мойил шахсларнинг феъл-атворида аниқ бир асосиз ўзгалар тўғрисида ёмон фикрда бўлиш хислати бўлар экан. Шу сабаб уларнинг кўпчилигида агрессивлик, жангарилик, ўзгаларни кўролмаслик, зарар етказишга интилиш ҳолатлари кузатилган.

Инсонни динга эътиқод қилиш масаласини таҳлил этиш жуда мураккаб жараён бўлиб, аслида унга алоқадор хатти-ҳаракатларда шахсдаги психологияк мотивацияни ўрганиш муҳимdir.

Биринчидан: динга эътиқод қилувчи кишининг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳали унинг қай даражада эътиқодли, диндорлигининг кўрсаткичи бўлолмайди.

Масалан; баъзи ёш қизларчанинг ҳижобга (жаг остидан рўмол ўраши, узун қўйлак кийиши ва бошқа.) кириши унинг ташқи атрибутикага берилиб, ўсмирлик ёшида ўзини кўрсатиш, бошқалардан нимаси биландир ажralиб туришга интилишининг натижаси ҳам бўлиши мумкин.

Иккинчидан: қизлар томонидан диний китобларнинг баъзи “чаласавод отинойлар” таъсирида механик тарзда мутолаа қилиниши, шахс сифатида ўқувчини мутаассибликка берилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ёшлар орасида кузатиладиган яна бир ҳолат бир неча бепул инъом этилган китобчалардаги сура ёки ҳадисларни ёдлаш, кейин уни овоз чиқариб шериклари олдида мутолаа қилиш, унинг таъсирида даъватчиларнинг бошқа кичик-кичик топшириқларини ҳам бажара бошлишидир. Масалан, ўзига ўхшаш ёшларни гуруҳга даъват этади. Бир кун келиб, аслида ўқиётганлари, билганлари асл Ислом ақидасига зид эканлигини, эътиқоди нотўғрилигини билган сари у бошқа йўлга кириш, бошқа ишга қодирлигини англашга эҳтиёж сезади. Аста-секин унинг қўлига қурол берса ҳам бўлади. Нихоят у мутаассиб (радикал) жангари гуруҳлар қаторида бўлиш асл эътиқод

эмаслигини англаган сари, янада ашаддийлашиб, ўзини қурбон қилишга, шу йўл билан адашган йўлини тарқ этишга тайёр бўлиб қолади.

Диний ақидапарастлар аслида айнан шундай аудиторияни топадики, улар мутаассибликка берилиб кетгани учун мияси заҳарланиб (файриисломий ғоялар билан) онглилик даражаси ҳам ўз-ўзидан йўқолиб боради. Бу ҳақда мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ақидапарастларнинг тузоғига тушаётганларнинг аксарияти “биринчи навбатда оиласа ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар носоғлом оила муҳитида ўсган, омади юришмаган ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир”[1] деб аниқ таъриф берган эдилар.

Учинчидан: маълумотларнинг тақчинлиги ҳам эътиқодсизликка олиб келади, яъни ташналиқда ҳар қандай сувни сифатига қаралмай ичилгани сингари, маълумотлар майдонидаги тақчиллик ҳар қандай фикрга эргашишга олиб келади. Агар болага оиласа, мактабда етарли диний-маърифий ва миллийлик уйғунлигига билим, таълим-тарбия қўникмалари берилмаса, бола онги ва миясининг бўшлифи ва вақт ўтгани сари ҳар қандай сохта даъватларни чекловсиз қабул қиласеради.

Жамиятимиз аҳолисини жумладан ёшларни бидъатларга асосланган сохта даъватлардан асрар учун радикал гуруҳларнинг мутаассибликка мойиллиги бор шахслар билан ишлаш методларини билишимиз лозим.

Чунки, ақидапарастликка даъват бу энг аввало психологик хуруждир. Илмий манбаларда психологик йўл билан омма фикрини ўзгартириш, сохта, ёт ғояларни ёйишнинг турли хил методлари ёритилган. Шу ўринда айтиш мумкинки психологик таъсирга ҳамма ҳам бирдай берилавермайди. Аёллар, ёшлар, айниқса ўсмир ёшдагилар психологик тажовузнинг асосий обьекти ҳисобланади. Куйидаги методлар диний мутаассиб (радикал) гуруҳларнинг шахсларга таъсир ўтказишда фойдаланадиган усуллари дандир.

Кузатиш методи

Экспримент методи

Сўров методи

**Ҳужжатларни ўрганиш
методи ва бошқалар**

1. Кузатиш методи – бу усул орқали ҳар қандай диний мутаассиб (радикал) гуруҳлар атрофдаги воқеа-ходисаларга бевосита аралашмаган ҳолда ўрганаётган объекти яъни ўзининг ўлжаси (ҳаётдан норози, диний билим эгаллашга қизиқишилари юқори бўлган ўсмир-ўспиринлар, диний саводи паст бўлган ОТМ талабалари, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган ёшлар, ўзини ёлғиз, камситилган, тушкунлик кайфиятидаги ва иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолган хотин-қизлар, муқаддам судланган ёки (ЖИЭМ)да муддатини ўтаётган шахсларнинг оила аъзолари ва бошқа ўzlари учун керакли шахслар)нинг ҳаёт тарзи, тумуш даражаси, эҳтиёжлари ва муаммоларини табий шароитда кузатиб, ўzlари учун керакли ахборотларни тўплайди ва уларнинг ўзига хос психологик хусусиятларни ўрганиб, олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ бир режа асосида амалга оширадилар.

2. Эксперимент методи – бу усул орқали аниқланаётган обьект билан яқин ижтимоий муносабатга киришилади ва улар билан бевосита алоқалар ва ҳамкорлик ришталари ўрнатилади. Масалан, маҳалла йиғимларида, тўй-ҳашамлари ва бошқа оммавий тадбирларида иштирок этади. Кўпчилик ҳорижлик “кўнгиллилар – валантёрлар” айнан шу йўл билан ўzlарининг ғояларини шахсларнинг онгига секин-аста сингдиришга ҳаракат қилишлари бунинг исботи бўла олади.

3. Сўров методи – бу усул обьект билан бевосита мулоқотни назарда тутади. Объектнинг ишончига кириб олган диний мутаассиб (радикал) гуруҳ вакили ўзи учун муҳим бўлган аудиториянинг аъзолари билан эринмай суҳбатлар ўтказади, саволларига жавоблар олади, баъзан сўровнинг ёзма шаклидан ҳам фойдаланиши мумкун. Бу кўриниш террорчи ташкилотларда яққол намоён бўлади. Улар сўровлар ўтказишнинг индивидуал ва гурухий усулларни кенг қўллаб, ўzlарига зарур бўлган маълумотларни ҳаттоқи, зўравонлик, қўрқитиш йўли билан ҳам олади. Оддий саволлардан бошланган савол-жавобга қониқарли маълумот олаётганини сезгандан кейин, “шуни ёзма равища ҳам бера оласизми?” деб сўрайди. Бир марта хато (гуноҳ) қилган шахс ўзида тобеликни сезади ва охирги шартга ҳам кўнишга мажбур бўлади.

4. Хужжатларни ўрганиш методи – диний мутаассиб (радикал) гуруҳлар ОАВ, радио, телевидения орқали бериладиган материаллар, видеотасмаларга туширилган турли материалларни “вербовка”^[2] қилинаётган шахсга кўрсатиб, унинг шахсий ҳаётидаги айrim маълумотларни улар билан солишириб, тазиик қурбонини боши берк кўчага киритишда хужжат сифатида фойдаланади. Бу усул инсон руҳиятига тез ва кучли таъсир ўтказади. “BBC”, “Озодлик радиоси” каби баъзи “ОАВ”дан бериладиган турли шов-шувли хабарлар ҳам айнан тингловчи учун хужжатлар ролини ўйнайди. Шахс эътиқодига катта таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари мафкуравий тазиик психологик усуллар ёрдамида амалга оширилишини инобатга олсак, ҳар бир ғоявий оқимнинг ўзига хос методлари ҳам бўлиши мумкун.

Диний мутаассиб (радикал) гуруҳ аъзоларининг хусусиятлари:

Мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, диний мутаассиб (радикал) гуруҳларга кириб қолиш эҳтимоли кучли бўлган одамларни З гурухга ажратиш мумкин:

1. Оилавий ҳаёт ёки меҳнат фаолияти жараёнида чуқур руҳий шикастланиш (ёш билан боғлиқ физиологик ўзгаришлар, эр-хотиннинг ажрашиши, ишсиз қолиш, яшаш манзилини ўзгартириш ва ҳоказо.) натижасида тушқунлик, умидсизлик, маънавий эҳтиёжларни қондиролмаслик, ёлғизлик туйғуларини ҳис қилаётганлар.

Ўз ҳаётий муаммоларини ҳал қилишлари учун уларнинг олдида 4 та йўл мавжуд:

- а) орзу-умидлари учун масъул кишилардан кутулиш;
- б) мавжуд дунёда янги мустақил ҳаёт бошлаш;
- в) жамиятдан узлатга чекиниш (гуруҳ билан ёки якка тартибда);
- г) ўзини-ўзи ўлдириш (суицид).

2. Ҳақиқий эътиқод қилувчилар (true believers) – маънавий-маърифий жиҳатдан чанқоқ бўлган, маънавий қадриятларга интилишлари жамият томонидан қондирilmagan кишилар.

3. Турли руҳий касалликлар хусусан, шизофрения, паранойя ва бошқалар билан оғриган баъзи беморлар диний ҳаётга, оккультизм, мистицизмга ўта берилувчанликлари билан ажralиб турадилар. Баъзи диний гуруҳларда улар ҳаётдаги ўринлари, ўзлари учун етишмаётган ижтимоий-руҳий озуқани топгандек ҳис қиладилар.

Гуруҳларнинг психодинамикасини ўрганаётган кўплаб мутахассисларнинг фирича, “секта” ва оқимларнинг домига илинган шахсларнинг аксарияти атроф-муҳитни идрок этиш, билиш жараёнлари ва эмоционал-психик ҳолатларда ўзгаришлар рўй бергани ҳамда маълум бир психопатологияларга дучор бўлишаётгани таъкидламоқда[3].

Мутахассислар томонидан бундай одамлар кундалик турмуш қийинчиликларини идрок эта олмай, ўз яқинлари ва ижтимоий муҳитидан узоқлашиб кетаётганлиги каби муаммолар пайдо бўлаётганлиги эътироф этилмоқда.

Чиндан ҳам, гуруҳ аъзоси ўз “мен”нини йўқотиб, жамоа раҳбарининг ғояларини ижро этувчи қуролга айланниб боради. Мутаассиб гуруҳлардаги психологик тазийқ шахсни гуруҳга тобе қилиб қўяди, яъни психологик манипуляция кучли бўлганлиги боис, шахс ўзини психик жиҳатдан ҳимоя қила олмайди.

Шундай экан, диний гуруҳларнинг кун сайин кучайиб бориши, шахсни бошқариш, унинг онгига таъсир этувчи психотехнологик, сиёсий, молиявий таъсирнинг замонавийлашуви психолог, социолог, диншунос ва исломшунос каби олимларни тезкорлик билан мафкуравий ҳимоя усулларини ўрганиш ва тарғиб этиш масаласини кўриб чиқишига ундаши лозим.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунга келиб, бундай ёвуз кучлар мамлакатимиз ҳаёти учун катта ҳавфга айланди. Уларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларини, юзага келишининг ижтимоий-психологик сабаб ва оқибатларини ўрганишга эҳтиёж туғилмоқда. Шу сабабдан жамиятимизни ўзининг ғаразли ғоялари билан чалғитишга урунган кучларни, уларнинг мамлакатимиз ҳудудида тарқалишга сабаб бўлувчи омилларини эътиборга олиш зарур бўлади. Бу омилларни эса, ички ва ташқи омилларга ажратиш мумкун.

Ички омиллар:

Мустақилликнинг илк давридаги айрим иқтисодий қийинчиликлар;

Тегишли идора ва ташкилотларнинг ўз фаолиятига эътиборсизлиги (жамиятдаги турли ҳаракатларнинг авж олишини назардан четда қолдирганлиги);

Аҳоли орасида диний саводхонликни етарли даражада шаклланмаганлиги;

Айрим этник ва диний тушунмовчиликларнинг мавжудлиги;

Жамиятдаги ҳуқуқий маданиятнинг аксарият ҳолларда талаб даражасида бўлмаганлиги;

Экстремистик руҳдаги адабиёт ва тарқатма материалларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши;

Ўтиш даврида ноқонуний тарзда хусусий диний таълим бериш (хуёсралар, маҳфий гуруҳлар ва ҳоказо) ҳолати борлиги;

Турли хил гуруҳлар томонидан айрим шахсларнинг онгини захарлаш ва уларни ёллашда ранг-бараанг инфармацион ҳуружлардан фойдаланганлиги.

Ташқи омиллар:

Экстремистик ташкилотларнинг кўпайиб бориши;

Марказий Осиё давлатларидағи ички мажаролар ва ижтимоий-иқтисодий бекарорлик;

Минтақа ва қўшни мамлакатлар Афғонистон, Покистон, ҳамда Сурия, Ироқ, Миср каби давлатлардаги нотинчлик;

Турли террористик ташкилотларнинг минтақага, хусусан, Ўрта Осиё ҳудудига кириб келишга ҳаракат қилиши;

Нотинчликлардан катта сиёсий ва иқтисодий манфаат топишни режалаштирган ташқи кучларнинг мавжудлиги;

Мамлакатда ташқи кучларнинг ғаразли ғоялари таъсирига тушган гуруҳларнинг мавжудлиги;

Табиий бойликлар, муҳим геостратегик жойларни қарам қилиш учун дунёнинг турли кучлари томонидан мамлакатга суқулиши.

Кўриниб турибдики, бу омилларнинг оқибатида мамлакатда парокандалик, тўстўпалонлар, оммавий норозиликлар, фуқаролараро тотувликни издан чиқиши, ижтимоий-

иқтисодий бекарорликни келтириб чиқариш қаби ёвуз мақсадлар ётганини англаш қийин әмас. Таъкидлаш жоизки, турли кўринишдаги гуруҳлар бундай кўнгилсиз ҳолатларни уюштиришда биринчи навбатда ўз таъсир доирасига олмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А “Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ”. //Олий Мажлиснинг ўн тўртингчи сессиясидаги нутқ / “Халқ сўзи”, 2004 йил 30 апрель
2. Вербовка – набирать, нанимат (ёлламоқ), привлекать (жалб қилмоқ) для каких-н. работ, в какую-н. организацию.
3. Қаранг: Диний секталар ва оқимларнинг психологияси, Илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона 2005. 2.б.